

“АЛ-УНМУЗАЖ ФИ-Н-НАХВ” АСАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ТАВСИФИ

<https://doi.org/10.3461/zenodo.17591276>

Nasirova Malika Anvarovna

Oriental University

Vice-rector for scientific affairs and innovations

Professor, doctor of philosophy (PhD)

Tel.: +998 99 333-21-29

e-mail: m.nasirova@orientaluniversity.uz

ORCID: 0000-0003-2290-4126

Аннотация

Ушбу мақола Махмуд Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид “Ал-Унмузаж фи-н-нахв” асарининг Ўзбекистон республикаси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 7 та қўлёмасининг илмий тавсифига бағишланган. Тадқиқотнинг мақсади “Ал-Унмузаж фи-н-нахв” асарининг мавжуд қўлёмаларини тавсифлаш ва қиёсий матнини яратиш учун асос ҳамда ёрдамчи нусхаларни танлашдан иборат. Тадқиқотда лингвистик ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилиб, қўлёмалар манбалар таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида қиёсий матн учун асос ва ёрдамчи нусхалар аниқланди. Ушбу тадқиқот арабий ёзма илмий меросни сақлаш, арабшунослик ва манбашунослик тадқиқотларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Калит сўзлар

қўлёмалар фонди, қўлёмалар, шарҳ, хошия, сақланиш рақами, тавсиф.

DESCRIPTION OF THE MANUSCRIPTS OF “AL-UNMUZAJ FI AL- NAHW” PRESERVED IN UZBEKISTAN

Abstract

This article is devoted to the academic description of seven manuscript copies of Mahmud Zamakhshari’s work on Arabic grammar, *Al-Unmuzaj fi al-Nahw*, preserved in the manuscript collection of the Abu Rayhan Biruni Institute of Oriental Studies of the Republic of Uzbekistan. The aim of the study is to describe the existing manuscript copies of *Al-Unmuzaj fi al-Nahw* and to select the principal and auxiliary manuscripts as a basis for producing a critical edition of the text. The

research employs linguistic and comparative analytical methods, through which the manuscript sources were examined. As a result of the analysis, the principal and auxiliary manuscripts for establishing the comparative text were identified. This study contributes to the preservation of the Arabic written scholarly heritage and to the development of Arabic studies and source studies.

Keywords

manuscript collection, manuscript, commentary, marginalia, shelf mark, codicological description.

КИРИШ

Ўрта асрларнинг буюк тилшунос олими Маҳмуд Замахшарий (1075-1144 йй.) ўзининг машҳур араб тили грамматикасига бағишланган “ал-Муфассал фи санъати-л-ийраб” асарини қискартириб 515/1121 йилда “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” номли рисолаи яратади. Асарни Мужайиру-д-давла Абул Фатҳ Али ибн Ҳусайн ал-Ардистонийга бағишлаб ёзади ва унга ҳадя қилган¹¹⁸. Ажам халқларига араб тили грамматикасини тез ва осон ўргатишга мўлжалланган ушбу асар тез орада Марказий Осиё мамлакатлари мадрасаларининг асосий қўлланмасига айланади ва давр унинг кўплаб нусхаларда кўчирилишини талаб қилади. Асарнинг турли даврларда кўчирилган кўп сонли қўлёзма нусхалари, унга ёзилган шарҳ ва хошиялар бунинг исботи ҳисобланади.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг 7 та қўлёзмаси сақланмоқда. Улар №7151, №12858, №12474, №8589, №12888, №8107, №8642 сақланиш рақамида бўлиб, Жамолуддин ал-Ардабийнинг шарҳи билан кўчирилган. Мазкур қўлёзма нусхаларнинг барчасида «Ал-Унмузаж фи-н наҳв» асарининг асл матни “қала” – «деди», Жамолуддин ал Ардабийнинг шарҳи “ақулу” – «дейман» сўзи билан бошланади. Бу икки сўз истифода этилаётган қўлёзма нусхаларнинг барчасида бошқа рангдаги сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ушбу тадқиқот ўрта асрларда Мовароуннаҳрда гуллаб яшнаган илм-фан ва унинг ривожини, жумладан араб тили грамматикасининг ривожини ва таълимида муҳим ўрин тутган илмий рисолаининг давримизга қадар етиб келган қўлёзмалари тадқиқотга қаратилган. Тадқиқот филология, палеография, манбашунослик, матншунослик ва тарихий лингвистика

¹¹⁸ Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. -Т.: Камалак, 1992.-Б. 31.

фанлари кесишмасида олиб борилган бўлиб, манбашунослик, палеографик таҳлил ва матншунослик усуллариغا асосланади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлэмалар фондида сақланаётган 7151 сақланиш рақамли кўлэма (шартли равишда А нусха деб олинди) 1117/1705-1706 йили котиб Али ибн Мирза Келди томонидан Мулла Саид Нуруллоҳ афандининг Нукус мадрасасида Ғози Киरोлихон замонида кўчирилган. Китобнинг асл муқоваси сақланмаган. Кўлэма қайта таъмирланганда қадимги кўлэманинг муқовасига жилдланган. Асар 121 варақдан иборат, 16x22 ўлчовли. Матннинг ўлчови 8,5x13 см. Ҳар вараққа 10 сатрдан матн жойлаштирилган. Асар 1б. саҳифада анъанавий «Басмала»дан сўнг .. Ардабилийнинг ““ал ҳамду ли-л-лāхи-л-лаҳи жа’ала-л-‘арабиййата мифтāха-л 6 байāни...” - «Араб тилини баён қилишнинг калити қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин...» - деган кириш сўзи билан бошланган. Сўнг Маҳмуд Замахшарий илмий ижодига хос бўлган қисқа муқаддима келтирилган. Яъни: “би-исми-л-лаҳи-р раҳмāни-р-раҳими. ‘ал-мусаннафу раҳмату-л-лāхи та’алā: ал-калимату муфрадун” - «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим. [Ушбу] асар Аллоҳ Таолонинг раҳматидир. Сўз битта [бирлик] дир». Асар насх ва настаълик хатларининг қоришиғида ёзилган. Муқаддима майда ҳарфлар билан оч қора рангли сиёҳда жуда нафис насх хатида бўлиб, 67а саҳифага келиб настаълик хатига ўзгарган. 80а саҳифадан бошлаб яна насх хатида ёзилган, 118а саҳифадан то охиригача яна настаъликда битилган. Асарнинг аксарият қисми (10-88) юпка Шарқ қоғозига кўчирилган, 88а саҳифадан 97а саҳифагача матн дағалроқ қоғозга битилган. Варақлар пойғир билан белгиланган. Боблар, мавзулар номлари нафис хат билан ҳошияга чиқарилиб жадвалга олинган. Масалан: ““ал-марфу’ātu” - «Бош келишиқдаги исмлар» (А.16а.5) фасли матн ичида ажратилмаган, балки ҳошияда катта ҳарфлар билан чиройли хатда кўрсатилган. Ёки ““ал-мусаннā” - «Иккилик [сон] даги исмлар» - мавзуси (А.55б.2) ҳошияда қизил рангли сиёҳда ёзилган. ““ал мудāри’у” - «Ҳозирги-келаси замон феъли» (А.81б.7) сўзи кизғиш жигар рангга бўялган фонга ёзилган. Шунингдек, “хуруфу-л-мушаббаҳати” - «Феълларга ўхшаш юкламалар» (А.101б.4), 112а.10 даги ““ал ҳарфāни-л-масдариййāни” - «Феълларнинг масдар вазифасида ишлатилишини кўрсатувчи لā ва مā юкламалари» мавзусининг номи оч жигар ранг билан ҳошияда ажратиб кўрсатилган. Асардаги мавзу номлари ҳар доим ҳам ажратиб кўрсатилмаган. Масалан: ““ал-ма’рифату ва-н накирату” - «Аниқ ва ноаниқ [ҳолатдаги] исмлар» (А.61а.7); ““ал-музаккару ва-л-му’аннасу” - «Музаккар ва муаннас [жинсдаги] исмлар» (А.61б.9) мавзу номлари умуман

ажратилмасдан матн таркибида ёзилган. Бундай ҳолатни яна “ал-мута’адди ва ғайру-л-мута’адди” – «Ўтимли ва ўтимсиз феъллар» (А.88а.3), “ал мабни ли-л-маф’ули” – «Мажхул даражадаги феъллар» (А.89а.1) ва “аф’āлу-л-қулуби” – «Ўйлаш, ҳисоблаш маъносидаги феъллар» (А.90б.7) мавзу номларида ҳам учратиш мумкин. Қўлёзма матнида асар матни ҳамда шарҳ матнини кўрсатувчи “қāла” ва “ақулу” бошланмаларининг ўрин алмашиш ҳолларини учратиш мумкин. Жумладан, 65б.1 саҳифада “қāла” нинг ўрнига “ақулу” деб ёзилган, 64а.1 саҳифада “ақулу” сўзи тушиб қолган бўлса, 74а.3 саҳифада “қāла” сўзи тушиб қолган, 68б.10 саҳифада ва 87б. саҳифадан то 98а саҳифагача “қāла” ва “ақулу” сўзларига жой ташланган, аммо ёзилмаган. 1б. саҳифадан 52а. саҳифагача, 98б. саҳифадан 121а. саҳифагача бўлган варақларнинг ҳошиясига, сатр ораларига айрим сўзларнинг шарҳлари киритилган.

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг 12858 рақамли қўлёзмаси (Б нусха) 5та турли ҳажмдаги наҳвга оид рисолалар кўчирилган мажмуа таркибига киритилган. Қўлёзма янгидан муковаланган ва варақлари тўлиқ рақамланган бўлиб, жами 159 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг 3а саҳифасидан эски ўзбек тилида савол-жавоб тарзида грамматик қоидалар баён қилинган. Савол-жавоб тўғридан тўғри «Басмала»сиз бошланиб кетган. Китобнинг 28а. саҳифасидан наҳвга оид иккинчи асар бошланган. Қўлёзманинг 28б. саҳифасидан 31а. саҳифасигача «Бисмиллоҳ» сўзининг грамматик нуқтаи назардан маъноси баён қилинган учинчи асар кўчирилган. 32б. саҳифадан 60б. саҳифагача тўртинчи асар кўчирилган. У Абду-л-Қоҳир ибн Абдурахмон ал-Журжоний (ваф.1078-1079 й.) нинг “ал-’авāmилу-л-ми’ату” – «Юз омил» асари. Қўлёзманинг 61б. саҳифасидан «ал-Унмузаж фи-н-наҳв» ва унинг шарҳи бошланган. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг матни эса қўлёзманинг 63а. саҳифасидан бошланган. Мазкур нусха 1263/1846-1847 йили котиб Алиуддин ибн Фаттоҳуддин томонидан «Устари бош» мадрасасида кўчирилган 8. Қўлёзма 17,5x22,5 ўлчовли рус қоғозига кўчирилган. 62б. саҳифанинг ўнг томон тепа бурчагида чиройли шакл ичида «Гончарева 5» сўзлари ёзилган рангсиз қавариқ муҳр босилган. Бундай муҳр 75а. саҳифанинг ўнг томон пастки бурчагида, 84б. саҳифанинг ўнг томон тепа бурчагида ҳам бор. 105б. ўнг томон тепа бурчақда «№5» ёзувли қавариқ муҳр урилган. Матннинг ўлчови 11x16 см (баъзи саҳифаларда 12,5x16 см). Саҳифалардаги матннинг жойлашиши бир хил эмас, яъни саҳифалардаги жадвал ичига, аксарият ҳолларда 15 қатордан матн киритилган. Лекин айримларига 13 ва 14 (68а, 70б, 108а ва 68а, 77б, 111а, 114б) сатрдан матн

жойлаштирилган бўлса, 144а. саҳифада 16 йўл (қатор) матн ёзилган. Қўлёзма хошияларида эса турли тўлдиришлар бор. Матн варақнинг ўртасидан «Басмала» билан бошланган. Бу сўз сариқ ва ҳаворангли қаламлар билан чизиб-чизиб бўялган. Сўнгра асар Жамолуддин ал-Ардабилиийнинг кириш сўзи билан давом этган. Ардабилиийнинг муқаддимасидан сўнг асар матни бошланган, яъни “ ал-калимату муфрадун” – «Сўз [битта] бирликдир». Мазкур нусхада Маҳмуд Замахшарийнинг кириш сўзи тушиб қолган. Асар настаълиқ хатида ёзилган. Қўлёзмадаги бошланма сўзларнинг устига чизик тортилган. Баъзида матндаги “қāла” ва “’ақулу” сўзлари ажратилмай ёзилган. Масалан: 83а, 88б, 90б, 94б, 103а, 105а, 109б, 115б, 120б, 125а, 130а ва бошқа саҳифаларда бу икки сўзнинг тепасига чизик тортилмаган. Мазкур қўлёзманинг ўзига хослиги шуки, унда матндан тушиб қолган ёки хато кўчирилган сўз, ибора, бирикма ва ҳатто гаплар асар хошиясига чиқариб ёзиб қўйилган. Баъзи хато кўчирилган сўзлар устидан чизик тортилиб шу сатр хошиясига матннинг тўғри шакли ёзилган. Масалан, 105б саҳифада охириги қатордан бошлаб тепага қараб пирамида шаклида 6 қатор матн хошияга ёзилган. 127а.7. да қолиб кетган “мā саҳҳа” сўзи хошияга ёзиб қўйилган.

80а.7.да саҳифада “йансабу-л-маф’улу бихи йаф’алу – ибораси 2 марта ёзилган, ортиқчасининг устидан чизик тортилган. 127б.10. да матндан тушиб қолган “’аф’āлу-н 9 нāқисати ва ’аф’āлу-л-қулуби” сўзлари; 128б.8. да “таф’алу” сўзи хошияга ёзиб қўйилган ва шу қабилар. 136б. саҳифанинг ўнг томон хошиясига катта ҳарфлар билан “Кāтиб Валиу-д-дин ли’ажли ’Алийи д-дин- «Котиб Валиуддин Алийуддин учун» сўзлари ёзилган. Б.146б. саҳифанинг хошиясига эса “Кāтиб муллā Тāжу-д-дин ли’ажли дустим ’Алийи-д-дин «Котиб Мулла Тожуддин дўстим Алийуддин учун» – сўзлари ёзилган. Қўлёзма сўнггидаги хотимага кўра, у 1263 й. 1 апрель, жума куни домла Ҳожи Эшон Абдуллоҳ ибн Неъматуллоҳнинг «Устари бош» мадрасасида кўчирилган.

«Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 12474 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган қўлёзмаси (В нусха) мавжуд. Ушбу нусха анъанавий «Басмала» билан бошланиб, Жамолуддин ал-Ардабилиийнинг кириш сўзи билан давом этган. Асар, яъни «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» эса ал-Ардабилиийнинг муқаддимасидан сўнг “’ал-масдаруху ’ал-калимату муфрадун” – «Унинг масдари сўз [битта] бирликдир» жумласи билан бошланган. Аммо “’ал-масдаруху” сўзи грамматик жиҳатдан нотўғри ёзилган. Бу сўздаги «’ал» аниқлик артикли ортиқча қўйилган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 109 варақни ташкил этиб, ҳар бир вараққа 9 қатордан матн

жойлаштирилган. Матн жадвал ичига олинган. Асар 18x22,5 см ўлчовли рус фабрика қоғозига кўчирилган. Матннинг ўлчови 9x15 см. Матн настаълик хатида ёзилган. Қўлёзма матнидан тушиб қолган сўзлар котиб томонидан саҳифа хошиясига киритилган. Масалан; В.179.а9. “йансарифу”; В.176.9. “бихи”; В.216.1 “инна”; В.54а.8. “изā kāna” ва бошқалар. В.68б. саҳифанинг ўнг томон хошиясига китобни кўчирган ва унга эгалик қилган шахснинг исми ёзилган. Унда «Ушбуни кўчирувчи ва соҳиби Муҳаммад Зокир ибн мулла Фазлуллоҳ» ёзувини ўқиш мумкин. Худди шундай ёзувни В.100а. саҳифада ҳам учратиш мумкин. Бундан кўриниб турибдики, хаттот мазкур нусхани ўзи учун кўчирган. Сарлавҳалар қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган ва нафис хат билан хошияга чиқариб ёзилган. Масалан: “мабҳасу л-калимати” (В.4а.6); “матлабу маф’улин бихи” (В.23а.); “бāбу-л-фи’ли” (В.72а.6) ва ҳ.к. Асарда мавзу номлари ҳар доим ҳам ажратиб кўрсатилмаган. Масалан: “ал-мажму’у” «Кўшлик [сон]даги исмлар» (В.516.1.); “ал-ма’рифату ва-н-накирату” – «Аниқ ва ноаниқ [ҳолатдаги] исмлар» (В.556.8); “ал музаккару ва-л-му’аннасу” – «Музаккар ва муаннас [жинсдаги] исмлар»; “ал-мусағару” – «Кичрайтма отлар» (В.54а. 9); “асмāу-л-’адади” – «Сон» (В.68а. 6); “ал-’амру” – «Буйруқ майли» (В.79а.4) ва бошқа бир неча мавзу номлари умуман ажратилмаган. Мазкур нусхада эътиборни тортадиган нарса “дахала” – «кирмоқ» ва “ғайрун” – «бошқа» сўзлари аксарият ҳолларда диакритик нуқтасиз ёзилган. Китобнинг боши ва охирига чармдан нишона қилиб қўйилган. Муқоваси оддий қоғоз муқова. Мазкур қўлёзма тўлиқ бўлиб, китобнинг хотимаси билан яқунланган. Унга кўра ушбу қўлёзма 1831 йил тонг саҳарда Кичик Суан мадрасасида ёзиб тугатилган.

«Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарининг қўлёзмаларидан яна бири Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. 8589 сақланиш рақамли (Г нусха) бу қўлёзмада асар 1б. саҳифада анъанавий «Басмала»дан сўнг Жамолуддин ал-Ардабилининг муқаддимаси билан бошланган. «Басмала» рангли нақш ичига ёзилган. “Ал-хамду ли-л лāхи” сўзлари эса қизил рангга бўялган тўртбурчакка олинган. Худди шу саҳифанинг хошиясига “Абдуллоҳ ибн Маҳмуд” сўзлари ёзилган кичкина рангсиз думалоқ муҳр туширилган.

«Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарининг асл матни 2б. саҳифадан “ал-мусаннафу раҳмату-л-лāхи та’ālā.’ал-калимату муфрадун” – «Бу асар Аллоҳнинг унга раҳматидир. Сўз [битта] бирликдир» – муқаддимаси билан бошланган. Қўлёзма ўртача насх хатида Шарқ қоғозига ўхшатиб ишланган рус фабрика қоғозига кўчирилган. Баъзи саҳифаларда «Фабрика №6 Сергеева» сўзлари ёзилган қавариқ муҳр босилган. Қоғознинг ўлчови 18,5x23

см бўлиб, матн 10,5x15 см ўлчовда кўчирилган. Китобнинг муқоваси шикастланган, кейинчалик қайта таъмирланган. Дастлабки саҳифаларда дуолар, котибнинг исми-шарифи ва шахсий думалоқ муҳри босилган. Муҳричига "Маҳмуд Фаъал ибн Абдуллоҳ" сўзлари битилган. Хаттот исмининг остига 1872 й (1293х.) деб ёзилган. Навбатдаги саҳифага кўк рангли сиёҳ билан "шарҳу 'унмузажи" сўзлари ёзилган. Қўлёзма мазкур саҳифадан рақамланиб, 116 саҳифани ташкил қилади. Ҳар бир саҳифада 9 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг барча варақлари тўлиқ пойгирлар билан белгилаб чиқилган. Қўлёзма матни билан танишиш унинг ўта моҳир хаттот томонидан кўчирилганлигини кўрсатади. Сатрлар оралиғига изохлар киритилган. Сарлавҳалар, муҳим деб топилган барча сўзлар турли ранглар билан ажратилган, нақшлар чизилган, баъзи варақлар гулли жадвалга олинган. Мазкур қўлёзма нуқсонли нусха ҳисобланади. 114б. ва 116б. саҳифалар оралиғида «Ҳарф» бобига кирувчи "ҳарфā-т-тафсири"; "'ал-ҳарфāни-л-масдариййāни"; "ҳуруфу-т-тахдиди"; "ҳарфā-ш-шарти"; "ҳарфу-т-та'лили"; "ҳарфу-р-рад'и" мавзулари кўчирилган варақлар тушиб қолган. Китоб 116б. (шартли) саҳифада котибнинг хотимаси билан тугаган. Унга кўра қўлёзма 1293х. йили рабиъу-л-аввал ойининг 23 куни ёзиб тугатилган.

Қўлёзманинг 115а. саҳифасига "Сāҳиббуҳу ва мāликуҳу 'Абду-л-лāх бин Маҳмуд афанди"–«Унинг соҳиби Абдуллоҳ ибн Маҳмуд афанди» мазмунидаги ёзув битилган.

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг 12888 сақланиш рақамли қўлёзма (Д нусха) рус фабрика қоғозига кўчирилган. Бунга 36а., 89б. саҳифалардаги «Фабрика Сергеева №7» ёзувли кавариқ муҳр, шунингдек, 99а., 100а. ва 101а. саҳифаларга босилган «Демидова» мазмунидаги кавариқ муҳрлар далил бўла олади. Қўлёзманинг варақлари тўлиқ пойгирлар билан белгилаб чиқилган. Қўлёзма матнидан тушиб қолган сўзлар, гаплар котиб томонидан саҳифа ҳошиясига махсус белги қўйиб киритилган (21б., 102б. ва х.к.з.). Қўлёзма кўп фойдаланилганидан варақларининг чети сарға йиб, қорайиб кетган, баъзиларининг четлари эса титилган, бу эса матнни ўқишда қийинчилик туғдиради. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв» асарининг бошқа қўлёзма нусхалари каби мазкур нусхада ҳам сарлавҳалар, боб ва фаслларнинг биринчи сўзи ҳошияга чиқарилиб гулли нақшлар, чиройли, рангли шакллар ичига ёзилган. Масалан, 22а.1. саҳифада "'ал-мансубāту" – «Тушум келишигидаги исмлар», 75б.8. саҳифада "бāбу-л-фи'ли" – «Феъл боби» ва бошқалар. Ажратиб кўрсатиш унутилган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, 91б. Саҳифада "фи'лā-л-мадҳи ва-з-замми" – «Олқиш ва қарғишни ифодаловчи

16,5x21,5 ўлчовли қалин Ўрта Осиёда ишланган қоғоз ишлатилган. Китобнинг усти янгидан муковаланган.

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 8642 рақамли қўлёзма (Ё нусха) матнида хаттот араб тилига хос бўлмаган бўғин кўчиришни қўллаган. Сигмай қолган ҳарфлар кейинги сатрга ўтказиб ёзиб кетилган. Кўп ҳолларда ت – «та мамдуда» нинг ўрнига ة – «та марбута» (11a.2. 77 ; ةاكرحلابa.7. 23 ; ةاقررم.4. ةابوصنملا 90 ; a.8. ةدجو ва шу қабилар) ишлатилган. Сатр ораларида, ҳошияларда қайдлар бор. Грамматикага оид терминларга шарҳлар берилган. Мавзу номлари ажратилган. Ажратиб кўрсатиш унутилган ҳоллар ҳам учрайди. (39б.1. ; عباوتلا 55ب.8. 60 ; ا.4. ةومجملا ةركنلاو ةفرعما ва бошқалар.) Асар колофони ёзилган охириги саҳифанинг ярми қирқиб олинган. Аммо қўлёзма кўчирилган қоғоз ва хаттотнинг хатига қараб асар XIX асрда китобат қилинган дейиш мумкин. Матн ҳар бир саҳифага 13 қатордан жойлаштирилган. Саҳифалар рақамланган, жами 120 варақ. Қўлёзманинг бошидаги икки варағи қолдирилиб учинчи вараққа 1 рақами кўйилган. Асар 4б. саҳифадан бошланган. Қўлёзма оч яшил, оч ҳаворангдаги рус қоғозига кўчирилган. Варақнинг ўлчови 17x22,5 см., матн ўлчови 10x16 см. Мазкур қўлёзма таъмирланган ва эски китобнинг муковасига жилдланган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

«Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»нинг Тошкентда сақланаётган қўлёзмалари ўзининг саводли кўчирилганлиги, тўлиқлиги ва яхши 15 сақланганлиги билан ажралиб туради. Улар асарни ўрганишда муҳим ишончли вазифани ўтайди

Мовароуннаҳр олимларининг илмий меросини ўрганиш, улар қаламига мансуб асарларнинг қўлёзмаларини аниқлаш, илмий истефодага киритиш, кенг жамоатчиликка эълон қилиш илм-фанмиз учун муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда хориждаги йирик қўлёзма фондлари билан алоқаларни кучайтириш, илмий стажеровкаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган қўлёзма манбалар ва адабиётлар:

1. Маҳмуд Замахшарий. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв». Жамолуддин ал-Ардабийнинг шарҳи билан. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инс-ти, қўлёзмалар фонди (ФАШИ). Қўлёзма №7151. -121 в.

2. Маҳмуд Замахшарий. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв». Жамолуддин ал-Ардабийнинг шарҳи билан. ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма №12858 – V. – 159 в.

3. Маҳмуд Замахшарий. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв». Жамолуддин ал-Ардабилийнинг шарҳи билан. ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма №12474. -109в.
4. Маҳмуд Замахшарий. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв». Жамолуддин ал-Ардабилийнинг шарҳи билан. ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма №8589. -116 в.
5. Маҳмуд Замахшарий. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв». Жамолуддин ал-Ардабилийнинг шарҳи билан. ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма №12888. -113в.
6. Маҳмуд Замахшарий. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв». Жамолуддин ал-Ардабилийнинг шарҳи билан. ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма №8107. -169 в.
7. Маҳмуд Замахшарий. «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв». Жамолуддин ал-Ардабилийнинг шарҳи билан. ЎзР. ФАШИ. Қўлёзма №8642. -120 в.
8. Абулқосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. -Т.: Камалак, 1992. -72 б.